



doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a59

МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА УНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Хашимов Азиз Озадович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришининг илмий асослари ва
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

Аннотация. Мақолада металлургия саноати корхоналарини солиққа тортиш ва унинг давлат бюджетини шакллантиришдаги ўрни ўрганилган ҳамда тегишили ҳулосалар шакллантирилган.

Ключевые слова: даромад, фойда, солиққа тортиш, солиқ тизими, солиқ тушумлари, металлургия.

НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ПРЕДПРИЯТИЙ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ И ЕГО РОЛЬ В ФОРМИРОВАНИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА

Хашимов Азиз Озадович -

Научно-исследовательский центр «Научные
основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье рассматривается налогообложение предприятий metallurgической отрасли и его роль в формировании государственного бюджета и делаются соответствующие выводы.

Ключевые слова: доход, прибыль, налогообложение, налоговая система, налоговые поступления, металлургия.

TAXATION OF ENTERPRISES OF THE METALLURGICAL INDUSTRY AND ITS ROLE IN THE FORMATION OF THE STATE BUDGET

Hashimov Aziz Ozadovich -

Scientific research center "Scientific bases and
problems of the development of the economy of Uzbekistan"
under the Tashkent State University of Economics

Abstract. The article examines the taxation of metallurgical industry enterprises and its role in the formation of the state budget and draws relevant conclusions.

Key words: income, profit, taxation, tax system, tax revenues, metallurgy.

Кириш. Металлургия қайта ишлаш саноатининг таркибий қисми бўлиб, фуқаролик ва саноат фаолиятини ривожлантириш учун зарур материалларни тақдим этади. Умуман олганда, бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам ҳаётни металлургия саноатининг турли хил маҳсулотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг билан биргалиқда, ишлаб чиқариш ҳажмининг йириклиги бўйича давлат бюджети даромадларининг шаклланишида ҳам ўз таъсирига эга тармоқ ҳисобланиб, йирик корхоналар шаклида намоён бўлади.

Бизга маълумки, мамлакатимизда металлургия саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг яққол мисоли бўлиб, Тошкент металлургия заводининг ишга туширилишидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қуйидагиларни эътироф этди: “Биз инновацион иқтисодиётни шакллантириш, замонавий саноат, қулай сармоявий муҳитни яратиш, хорижий давлатлар ва етакчи компаниялар билан ҳамкорлик алоқала-

рини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугун ҳар жиҳатдан ноёб бўлган Тошкент металлургия заводининг ишга туширилиши бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намоёнидир, Юртимизда қора металлургия ривожланмагани сабабли саноат корхоналари кўп муаммога учрар эди. Энди Тошкент металлургия заводида йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади” [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

В.Г.Пансков таъкидлаганидек: “Давлат иқтисодий ривожланишининг асосини турли шаклдаги ташкилот ва корхоналар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни ўз ичига олган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ташкил этади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз мақсадларига эга бўлиб, тижорат ташкилотлари учун асосий мақсад фойда ва уни максимал даражада оширишдир” [2].

Г.И.Заболотни, М.В.Каширина фикрича, "солиқ тизимини иқтисодий жараёнларнинг барча иштирокчиларига истисносиз таъсир қиласидан иқтисодий жараёнларни бошқариш учун дунёдаги энг кўп қўлланилладиган ва тан олинган тизимлардан бири деб аташ мумкин" [3].

Юқоридаги фикрларга асосланадиган бўлсақ, ишлаб чиқарувчилар фаолиятидан асосий мақсад фойдага тақаладиган бўлса, давлат ўзининг солиқ сиёсати билан ҳар қандай фаолиятга таъсир ўтказа олади, деб ҳисобласа бўлади. Шундай экан, бугунги кунда солиққа тортиш тамойиллари ҳам турли мамлакат ва тармоқлар бўйича турлича амалга ошириб келинмоқда. Тадқиқотимиз обьекти бўлган металлургия саноатини солиққа тортиш бўйича олиб борилган тадқиқотларга аҳамиятни қаратмоқчимиз.

О.В.Ситникова ўз тадқиқотларида энг йирик консолидацияланган солиқ тўловчиларни солиққа тортишни такомиллаштириш масалаларини ўрганиб: "Металлургия корхоналарини текширишда солиқ органлари дуч келадиган солиқ муаммоларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий муаммолар, биринчи навбатда, монополияда фаолият юритувчи корхоналарнинг энг йирик консолидацияланган гуруҳларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, Солиқ кодексини сезиларли даражада такомиллаштириш зарурати билан ифодаланган хўжалик юритувчи субъектлар ва муайян солиқ тўловчининг фаолияти қонунийлиги чегаралари ҳам аниқ белгиланиши керак. Аниқланган тармоқ ҳуқуқбузарликларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва солиқ органлари томонидан текшириш учун кўрсатма сифатида фойдаланиш мумкин ва солиқ тўловчиларга ушбу операцияларнинг тўғри акс эттирилганлигини текшириш ва кўшимча солиқларнинг олдини олиш имконини беради" [4].

А.И.Поварова тадқиқотлари давомида металлургия корхонларини солиққа тортиш масалалари бўйича ўз фикрини билдириб ўтган: "Катта бизнеснинг фискал функцияларини яхшилаш учун федерал марказ бир қатор чораларни кўриши керак, жумладан:

- стратегик корхоналарнинг пул оқимларини мониторинг қилиш ва уларнинг фаолияти тўғрисида барча зарур маълумотларни олиш соҳасида, биринчи навбатда, ҳудудий солиқ бўлинмаларининг ваколатларини кенгайтириш;

- паст кўшилган қийматга эга маҳсулотларни жўнатаётган экспортёрлар учун ҚҚС тўлашнинг табақалаштирилган шкаласини жорий этиш ва товар экспорт қилувчилар учун ҚҚСни тўлиқ қоплашни босқичма-босқич бекор қилиш [5];

- оффшорларга кўчирилган экспорт тушумларининг камлиги учун солиқ солишини жорий этиш;

- стратегик солиқ тўловчилар томонидан назорат қилинадиган компаниялардан олинган дивидендлар бўйича фойдани солиққа тортиш;

- ҳисобланган захиралар ва умидсиз қарзларни асосий бўлмаган харажатларга киритиш амалиётини ўқ қилиш;

- янги консолидацияланган солиқ тўловчилар гуруҳларини яратишга мораторий киритиш ва амалдаги КТГни бекор қилиш (ёки мувознатли ўқотишларни чеклаш);

- йирик корхоналарнинг топ-менежерларига тўланадиган ҳақ миқдоридан юқори солиқлар (масалан, 20–25 %) белгилаш [6].

В.Оуэслатиа ва бошқалар фикрича, "солиққа тортишнинг асосий муаммоси – ҳуқуқий тизимнинг ноаниқлиги, айниқса, солиқ харажатларини тан олиш билан боғлиқ масалаларда, бу солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида бир қатор суд ишларини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳар бир малакали бўхгалтер ўз қарорларининг ҳуқуқий оқибатларини олдиндан айтиб бериши керак. Харажатларни тан олиш билан боғлиқ ҳолда, хизмат сафарлари, бонуслар, ходимлар учун мобил алоқа, веб-сайтларни ишлаб чиқиш ва маркетинг каби харажатлар учун низолар келиб чиқади" [7].

Я.О.Шершнева, Е.А.Смородина фикрича, "Хукумат ва бизнес ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини солиқларни қонуний равища оптималлаштириш учун рағбатлантириш, шунингдек, инвестициялар учун ресурсларни бўшатиш имкониятларини ҳал қилиш керак. Бундай ҳолда оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган кўплаб металлургия компанияларини таъкидлаш керак. Бу ҳақиқатни металлургиянинг анчагина йирик, гуллаб-яшнаган ва катта солиқ тушумлари келтирувчи иккинчи йирик бюджет шакллантирувчи соҳа эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Металлургия заводлари фақат ишлаб чиқариш вазифасини бажаради. Акс ҳолда, материаллар ва маҳсулотларни сотиш функцияларини бажариш учун асосий даромадни тақсимловчи маҳсус бўлинмалар ташкил этилади. Ҳозирги вақтда жуда кўп воситачи ташкилотлар яратилмоқда ва бу маблағларнинг секторига ўтишига олиб келади. Ҳозирги ҳолат давлатга солиқ тўлашга сезиларли таъсир кўрсатади" [8].

Н.Джулибеков, Н.Ашурова "Дунёдаги кон-металлургия компаниялари мажбурий тўловлари 33 фоизи фойда солиғига, 27 фоизи ер қаъридан фойдаланганлик учун роялтига, 3 фоизи лицензия тўловларига йўналтирилган. Бундан ташқари кон-металлургия саноати корхоналари кўшимча қиймат солиғи, ер солиғи, иш ҳақидан солиқлар ва суғурта бадаллари тўлайди" [9].

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракция методи қўлланилган, хорижий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари, халқаро

рейтинг маълумотлари анализ ва синтез қилиниб, таҳлил олиб борилган ва хуносалар шаклантирилган.

Таҳлил ва натижалар. Металлургия саноатининг ривожланиши ва янги йирик корхоналарнинг барпо бўлиши мамлакатимиз давлат бюджетининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар 2022 йилда 10 та энг йирик солиқ тўловчилар рўйхатига қарайдиган бўлсак металлургия саноати таркибига кирувчи

хўжалик юритувчи субъектларнинг борлигига гувоҳ бўламиз (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Фуқаролар учун бюджет 2022» янгиланган нашрини тақдим этди. Унда Ўзбекистондаги 10 та энг йирик солиқ тўловчи келтирилган. Рўйхат 2021 йилнинг ноябрига нисбатан ўзгармаган, бироқ илгари ушбу компаниялар бюджет даромадларининг 36,4 фоизини таъминлаши прогноз қилинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 40,2 фоизгача ошди [10].

«БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ...»

«UZAUTO MOTORS» АЖ

«UZ-KOR GAS CHEMICAL» АЖ

«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ...»

«ҲУДУДГАЗТАҲМИНОТ» АЖ


«UZBAT» АЖ

«ЎЗТРАНСГАЗ» АЖ

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» АЖ

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ...»

«НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ...»



1-расм. Йирик солиқ тўловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси бюджет тушумларидаги улуши, 2022 йил прогнози [25], фоизда

1-расм маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, йирик солиқ тўловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси бюджет тушумларидаги улуши: «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг улуши 20,2 фоизни, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг улуши 11 фоизни ташкил этиб, юқори улушга эга бўлса, йирик солиқ тўловчилар таркибида “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг улуши 0,75 фоизни тақшил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Давлат солиқ қўмитасида Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ташкил этилди [11]. Шунингдек, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 12 июлдаги “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан йирик солиқ тўловчилар тоифаси мезонлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 10 январдаги 3172-1-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларни йирик

солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисида”ги низомга асосан юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонлари белгилangan [12].

Иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, йирик солиқ тўловчилар бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиб, уларнинг шарҳини келтириб ўтсак. Хорижий адабиётларни ўрганиш давомида шу маълум бўляяпти, жаҳонда йирик солиқ тўловчи юридик шахсларга йирик корпоратив солиқ тўловчилар сифатида қаралади.

Аввало, Ҳ.Ваттс йирик солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мақомини белгилашда қўйида-гича фикрларни келтиради: “Йирик саноат корхонасини аниқлаш муаммоларга тўла. Масалан, ўлчам бир неча усул билан ўлчаниши мумкин - ишлайдиган ходимлар сони, соф активлар (ишлатилган капитал), қўшилган қиймат (соф маҳсулот), айланма, чиқарилган капитал ва бозор капиталлашуви” [13].

1-жадвал

Йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ турлари кесимида Ўзбекистон давлат бюджети солиқ тушумларини шакллантиришдаги улуши тенденцияси таҳлили [25] (млрд. сўмда)

| № | Солиқ номи | 2018 й. | | | 2019 й. | | | 2020 й. | | | 2021 й. | | | 2022 йил (прогноз) | | |
|-----|---|--------------|-------------------------------|-------------|--------------|-------------------------------|-------------|--------------|-------------------------------|-------------|--------------|-------------------------------|-------------|--------------------|-------------------------------|-------------|
| | | Солиқ тушуми | Йирик солиқ тўловчилар тушуми | Улуши (%да) | Солиқ тушуми | Йирик солиқ тўловчилар тушуми | Улуши (%да) | Солиқ тушуми | Йирик солиқ тўловчилар тушуми | Улуши (%да) | Солиқ тушуми | Йирик солиқ тўловчилар тушуми | Улуши (%да) | Солиқ тушуми | Йирик солиқ тўловчилар тушуми | Улуши (%да) |
| I. | Жами | 54 203 | 31 581 | 58 | 83 324 | 45 859 | 55 | 103 562 | 67 717 | 65 | 127 852 | 81 771 | 64 | 143 472 | 91 553 | 64 |
| | <i>шу жумладан,</i> | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги | 5 030 | 4 059 | 81 | 9 976 | 4 900 | 49 | 28 712 | 25 295 | 88 | 38 363 | 33 957 | 89 | 38 557 | 33 500 | 87 |
| 2. | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги | 7 422 | 2 415 | 33 | 13 323 | 2 561 | 19 | 15 141 | 3 542 | 23 | 18 917 | 4 834 | 26 | 22 045 | 5 793 | 26 |
| 3. | Қўшилган қўймат солиги | 13 735 | 10 637 | 77 | 23 661 | 10 867 | 46 | 23 170 | 10 556 | 46 | 25 572 | 13 227 | 52 | 31 700 | 18 115 | 57 |
| 4. | Акциз солиги | 6 547 | 5 451 | 83 | 11 603 | 7 852 | 68 | 10 839 | 9 095 | 84 | 12 779 | 10 404 | 81 | 14 682 | 12 064 | 82 |
| 5. | Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ | 8 265 | 4 661 | 56 | 14 693 | 14 549 | 99 | 16 565 | 15 870 | 96 | 15 812 | 14 803 | 94 | 14 403 | 13 760 | 96 |
| 7. | Юридик шахслар мулк солиги | 1 898 | 1 627 | 86 | 1 554 | 1 010 | 65 | 1 241 | 793 | 64 | 1 576 | 966 | 61 | 2 104 | 1 232 | 59 |
| 8. | Юридик шахслар ер солиги | 625 | 372 | 60 | 1 135 | 326 | 29 | 1 156 | 355 | 31 | 2 661 | 971 | 36 | 2 719 | 1 070 | 39 |
| 9. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 128 | 115 | 90 | 314 | 264 | 84 | 479 | 292 | 61 | 684 | 328 | 48 | 910 | 479 | 53 |
| 10. | Давлат улуши | 0 | 0 | 0 | 38 | 38 | 100 | 1 155 | 1 155 | 100 | 1 350 | 1 350 | 100 | 3 605 | 3 605 | 100 |
| 11. | Маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича тушумлар | 0 | 0 | 0 | 1 888 | 1 888 | 100 | 397 | 397 | 100 | 281 | 281 | 100 | 1 571 | 1 571 | 100 |
| 12. | Бошқалар | 10 553 | 2 244 | 21 | 5 140 | 1 605 | 31 | 4 707 | 368 | 8 | 9 856 | 651 | 7 | 11 175 | 365 | 3 |

Х.Ваттс йирик корхоналарни корпоратив бўлмаган сектордаги кичик ва ўрта бизнесдан ажратиш мумкин бўлган олтига хусусиятни аниқлади, булар: “мулкчилик ва назоратни ажратиш; расмий ташкилий тузилма; миллий иқтисодиётга алоҳида таъсир кўрсатиш; кўп миллатли таъсир қилиш; турли хил чиқишилар ва хориждан назорат. Ажратиш мезони бизнеснинг ташкилий шаклларининг ўзгариши билан ўзгаради, чунки биринчидан, барча йирик корпорацияларда акцияларнинг оммавий айланиши туфайли мулкчилик ва бошқарув алоҳида бўлади; иккинчидан, кўпгина йирик корпорациялар халқаро операцияларни бош ва шуъба корхона муносабатлари остида бошқаради” [13].

Маълумот учун жорий даврда йирик солиқ тўловчиларнинг сони эса 1124 тага етган [24]. Йирик солиқ тўловчиларнинг мамлакат бюджетига тўлаётган солиқларидан ҳам кўриш мумкинки, уларнинг Ўзбекистон Республикаси учун ҳиссаси катта.

1-жадвал маълумотларини таҳдил қилидиган бўлсақ, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ турлари кесимида Ўзбекистон давлат бюджети солиқ тушумларини шакллантиришдаги улуши таҳдил қилинди. 2018 йилда солиқ тушумлари 54 203 млрд. сўм, 2019 йилда 83 324 млрд. сўм, 2020 йилда 103 562 млрд. сўм, 2021 йилда 127 852 млрд. сўм, 2022 йилда 143 472 млрд. сўм прогноз қилинмоқда. Ўзбекистон давлат бюджети солиқ тушумларини шакллантиришдаги улуши мос равиша 58 фоиз; 55 фоиз; 65 фоиз; 64 фоиз; 64 фоизни ташкил этмоқда.

Эътиборли жиҳати, йирик солиқ тўловчиларнинг бевосита солиқлар бўйича солиқ тушумларидаги улуши 2018 йилда 6 474 млрд. сўм, 2019 йилда 7 461 млрд. сўм, 2020 йилда 28 837 млрд. сўм, 2021 йилда 38 791 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 39 293 млрд. сўм прогноз

қилинмоқда ва солиқ тушумларидаги улуши доимий равища ошиб борган. 2020 йилдан кейин ошиш суръатларида кескин ўзгариш кузатилмоқда.

Билвосита солиқлар бўйича солиқ тушумларидаги улуши эса 2018 йилда 16 088 млрд. сўм, 2019 йилда 18 719 млрд. сўм, 2020 йилда 19 651 млрд. сўм, 2021 йилда 23 631 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 30 179 млрд. сўм прогноз қилинмоқда ва солиқ тушумларидаги улуши ошиб борганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ресурс солиқлари бўйича энг катта салмоғи ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ ҳиссасига тўғри келиб, 2018 йилда 4 661 млрд. сўм, 2019 йилда 14 549 млрд. сўм, 2020 йилда 15 870 млрд. сўм, 2021 йилда 14 803 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 13 760 млрд. сўм бўлиши прогноз қилинмоқда.

2-жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсақ, давлат бюджети солиқ тушумларida йирик солиқ тўловчиларнинг улуши таҳдил қилинаётган йиллар давомида ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин. Айнан ушбу ҳолатни эгри солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улушида эса таҳдил қилинаётган давр мобайнида 32 фоиздан 64,8 фоизгача ёки 2 баробардан кўпроқ ҳажмга ўсганлигини кўриш мумкин. Йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети солиқли даромадлар кесимидағи улушида унинг фискал хусусияти эгри солиқларга нисбатан тўғри солиқлар доирасида юқори аҳамият касб этмоқда.

2-жадвал

Йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети солиқ тушумларини шакллантиришдаги улуши таҳлили [25] (фоизда)

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар кесимида | | | |
|-----|---|-----------------|--------------|--------------|-------------------|
| | | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 (прогноз) |
| 1. | Давлат бюджети даромадлари (солиқ тушумлари) | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| 2. | Давлат бюджети солиқ тушумларидаги эгри солиқларнинг улуши | 42,3 | 32,8 | 28,9 | 32,3 |
| 3. | Давлат бюджети солиқ тушумларидаги йирик солиқ тўловчиларнинг улуши | 55,0 | 65,4 | 64,0 | 63,8 |
| 4. | Жами эгри солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши | 53,1 | 57,8 | 61,6 | 65,1 |
| 5. | Давлат бюджети солиқ тушумларидаги тўғри солиқларнинг улуши | 28,0 | 42,3 | 44,8 | 42,2 |
| 6. | Жами тўғри солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши | 32,0 | 65,8 | 67,7 | 64,8 |
| 7. | Давлат бюджети солиқ тушумларидаги ресурс солиқларнинг улуши | 21,2 | 18,8 | 16,2 | 14,0 |
| 8. | Жами ресурс солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши | 91,3 | 89,0 | 82,3 | 82,1 |
| 9. | Давлат бюджети солиқ тушумларидаги бошқа солиқларнинг улуши | 8,5 | 6,0 | 9,0 | 11,4 |
| 10. | Жами бошқа солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши | 50,0 | 30,7 | 19,9 | 33,9 |

Йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети солиқли даромадлар кесимидағи улушининг солиқ турлари гуруҳлари бўйича аҳамиятида ресурс солиқлари ҳамда бошқа солиқлар гуруҳлари кесимидағи улушида эса тескари ҳолатни кузатиш мумкин. Жами ресурс солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши 2019 йилда 91,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил прогноз кўрсаткичларига кўра, уларнинг улуши 82 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг йиллар давомида пасайтирилиши

бўлиб, ваҳоланки, бу солиқ тури солиқ тўловчиларнинг аксарияти йирик солиқ тўловчилар мақомидаги солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Ўз навбатида, давлат бюджети солиқ тушумларида эгри солиқларнинг улуши 2019 йилда 42,3 фоизни, 2020 йилда 32,8 фоизни, 2021 йилда 28,9 фоизни, 2022 йилда 32,3 фоизни ташкил қилган бўлиб, унда эгри солиқларнинг улуши 2019 йилда 42,3 фоизни, 2020 йилда 32,8 фоизни, 2021 йилда 28,9 фоизни ва 2022 йилда 32,3 фоизни ташкил қилганлигини ҳам кўриш мумкин.

3-жадвал

“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг 2017-2021 йиллар молиявий ҳолати таҳлили [25] (млрд. сўмда)

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | |
|----|---|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| | | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
| 1. | Жами даромадлар: | 1 981,7 | 4 821,2 | 5 388,8 | 5 613,0 | 8 590,3 |
| | Маҳсулотларни сотишдан соф тушум | 1 799,6 | 4 678,6 | 5 260,7 | 5 299,3 | 8 352,8 |
| | Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 29,5 | 39,4 | 42,2 | 71,1 | 123,6 |
| | Молиявий фаолиятнинг даромадлари | 152,6 | 103,2 | 85,9 | 242,6 | 113,9 |
| 2. | Жами харажатлар: | 1 900,2 | 4 414,8 | 4 965,3 | 5 321,8 | 6 827,9 |
| | ишлиб чиқариш харажатлари | 1 216,6 | 3 531,0 | 4 128,3 | 4 337,1 | 5 629,7 |
| | давр харажатлари | 331,2 | 567,5 | 597,2 | 622,6 | 854,9 |
| | молиявий фаолият бўйича харажатлар | 352,4 | 316,4 | 239,8 | 362,1 | 343,2 |
| 3. | Соф фойда (зарар) | 70,5 | 339,9 | 352,6 | 220,3 | 1 471,5 |
| 4. | Рентабеллик | 3,6 | 7,1 | 6,5 | 3,9 | 17,1 |
| 5. | Иш ҳақи фонди | 215,5 | 297,9 | 377,5 | 516,3 | 717,0 |
| | Ишчилар сони | 9 653 | 10 232 | 12 582 | 12 797 | 12 437 |
| 6. | Бюджетга жами тўланди: | 151,0 | 282,6 | 433,8 | 194,1 | 1 244,5 |
| | ҚҚС | 83,4 | 177,3 | 240,1 | 18,1 | 566,7 |
| | Фойда солиги | 12,2 | 58,8 | 108,2 | 30,1 | 357,4 |
| | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,7 | 0,4 |
| | Акциз солиги | 0,0 | 0,0 | 0,8 | 0,0 | -0,8 |
| | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 2,2 | 4,4 | 9,4 | 10,5 | 8,6 |
| | Мол-мулк солиги | 6,3 | 3,2 | 10,6 | 13,6 | 7,2 |
| | Ер солиги | 5,1 | 4,5 | 7,0 | 9,0 | 10,6 |
| | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги | 30,4 | 33,3 | 56,0 | 55,9 | 122,6 |
| | Бошқа солиқлар | 11,4 | 1,1 | 1,8 | 56,2 | 171,9 |
| 7. | Фойдаланилган солиқ имтиёзлари | 0,0 | 560,4 | 346,9 | 13,1 | 9,0 |

З-жадвалда кўриниб турибдики, 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг жами даромадлари 2017 йилда 1981,7 млрд. сўм, 2018 йилда 4821,2 млрд. сўм, 2019 йилда 5388,8 млрд. сўм, 2020 йилда 5613 млрд. сўм, 2021 йилда 8590,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, жами даромадларнинг ошиш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин.

“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг даромадларнинг ошиши билан биргалиқда жами харажатларнинг ҳам ошганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, жами харажатлар 2017 йилда 1900,2 млрд. сўм, 2018 йилда 4414,8 млрд. сўм, 2019 йилда 4965,3 млрд. сўм, 2020 йилда 5321,8 млрд. сўм, 2021 йилда 6827,9 млрд. сўмга ошган.

Шунингдек, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг соф фойдаси 2017 йилда 70,5 млрд. сўм, 2018 йилда 339,9 млрд. сўм, 2019 йилда 352,6 млрд. сўм, 2020 йилда 220,3 млрд. сўм, 2021 йилда 1471,5 млрд. сўмни ташкил этган. Корхона томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлил қилинганда, 2017 йилда имтиёзлардан фойдаланмаган бўлса, 2018 йилда 560,4 млрд. сўм, 2019 йилда 346,9 млрд. сўм, 2020 йилда 13,1 млрд. сўм, 2021 йилда 9 млрд. сўмлик имтиёздан фойдаланган бўлиб, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017-2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни куриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғриси-

да"ги 2660-қарорига асосан имтиёздан фойдаланганлиги маълум бўлди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларга асосланган хулоса қиласиган бўлсак, мамлакатимизда металлургия саноатига устуворлик бериш иқтисодиётнинг ўсиши билан бирга давлат бюджетига тушадиган солиқ тушумларининг ортишига ҳам катта таъсир кўрсата олади, деб

хисоблаймиз. Шуни инобатга олган ҳолда, бу тармоқни солиқقا тортиш механизмларини ва қонунчилигини такомиллаштириш, хорижий мамлакатларнинг тажрибаларига таянган ҳолда чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири хисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Кўярпизлар, дунёда нима бўляпти, Ўзбекистонда нима бўляпти — Президент Тошкент металлургия заводи ишга туширилишида иштирок этди. <https://xs.uz/uzkr/post/toshkent-metallurgiya-zavodi-ishga-tushirildi.21.11.2022>.
2. Пансков В.Г. Налоговая система Российской Федерации: проблемы становления и развития. / Монография. – М.: ИНФРА-М, 2018. – 246 с.
3. Заболотни Г.И., Каширина М.В. Роль и значение налоговой системы как регулятора рыночной экономики. // Балканское научное обозрение. 2019. № 2 (4). С. 114-117.
4. Ситникова О.В. Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.10, кандидат экономических наук. – М., 2012. – 162 стр.
5. Povarova A.I. Inefficient VAT Administration as a Threat to Russia's Economic Security. Economic and Social Changes: Facts, Trends, Forecast, 2013, no. 2, pp. 126-140.
6. Povarova A.I. Relationship between metallurgical works and the budget: debt increases, taxes decline. Economic and social changes: facts, trends, forecast 6 (36) 2014. DOI: 10.15838/esc/2014.6.36.13 UDC 336.64, LBC 65.290-93.
7. Walid Oueslatia, Vera Zipperer, Damien Rousseliere, Alexandros Dimitropoulos. / «Energy taxes, reforms and income inequality: An empirical cross-country analysis». / International Economics. № 150 (2017) 80-95.
8. Шершнева Я.О., Смородина Е.А. Проблемы налогообложения на металлургических предприятиях. // Экономика, предпринимательство и право. 2018. Том 8. № 1. С. 21-26. doi: 10.18334/epp.8.1.38768
9. Джубилеков Н., Ашурова Н. Кон-металлургия саноати корхоналарини солиқка тортиш механизми: ҳалқаро амалиёт ва тажриба. // «O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi» – Экономический вестник Узбекистана» Tahliliy jurnal/аналитический журнал. 1/2021. 45-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Фуқаролар учун бюджет 2022.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 10 январда 3172-1-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларни ўтирик солиқ тўловчилар тоҷфасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисида”ги низом. 2019.
13. Watts H.D. The large industrial enterprise: Some spatial perspectives, Croom Helm, London. 1978. P. 22.
14. Qurbanov Z. & Isaev F. Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (1), 2017, 321-328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
15. Исаев Ф. Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. // Экономика и образование, (6), 2021. 86-91. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
16. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишини такомиллаштириш. // Экономика и образование. 2021. №. 4. С. 172-176.
17. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций. 2017. С. 246-254.
18. Isaev F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6), 2017, 294-301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
19. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 2021.
20. Isaev F. Мол-мulkни солиқка тортишини такомиллаштириш. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6), 2021. 326-333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
21. Исаев Ф. Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурати. // Архив научных исследований, 2 (1). 2021. Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
22. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. №. 4. С. 190-196.
23. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилини ташкил этиши методикаси. // Iqtisodiyot va ta'lim, 23 (5), 2022. 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
24. <https://kun.uz/news/2021/11/23/2022-yilda-yirik-soliq-tolovchilarining-davlat-budgeti-tushumlaridagi-ulushi-qancha-bolishi-malum-qilindi>
25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўймитаси магълумотлари асосида муалиф томонидан тузилган.
26. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
27. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Concept of economic analisys and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.
28. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.